

9. Саҳрода

Фиръавн таъқибидан соғ-саломат қутулган Бану Исроил бехавотир ерга етгандарида озод кишилардек енгил нафас олдилар.

Бу ерда уларга на Фиръавн ва на Ҳомон хавф соларди.

Энди Фиръавн жаллодларидан қўрқмасдан эмин-эркин, хотиржам юришлари мумкин эди. Лекин, ям-яшил водийда ўсган Бану Исроил сахро қуёшидан озор чекарди.

Хозир Исроил фарзандлари Аллоҳнинг меҳмони эдилар.

Сиз шоҳларнинг ўз меҳмонларига қандай иззат-икром кўрсатишни биласизми? Албатта, азиз меҳмонларни жазира мағлубиятни эҳтиёт қилиб шоҳона чодирлар тикилади...

Аллоҳ иззат-икроми эса ҳар қандай меҳмоннавозликдан юқори бўлади.

Пок Роб амри билан Бану Исроилга булат соябон қилинди.

Исройл фарзандларини қуёш тифидан сақловчи бу булатлар улар билан ҳамиша бирга юрарди.

Мусонинг қавми тўхтаса, булат ҳам тўхтар, юрсалар, у ҳам самода суза бошлар эди.

Саҳрода на бир қудук ва на бир кўл кўзга ташланарди.

Бану Исроил Онасидан ёрдам кутган гўдак мисоли Мусога ташналиқ азобидан шикоят қилди.



Мусо алайҳис-салом Роббига илтижо этди.

Ахир ундан ўзга мададкор борми?!

«Эсланг (эй Бану Исроил) Мусо ўз қавми учун сув тилаганида, «Асоингни тошга ургил», дедик. Бас, ундан ўн икки чашма отилиб чиқди ҳар бир қабилага (улар ўн икки уруғ эдилар) ўз суви маълум бўлди».

Қорни очган Исроил фарзандлари яна Мусо алайҳис-салом олдига югуришди:

- Сен бизни турли лазиз меваларга бой бўлган ҳушманзара Миср еридан олиб чиқдинг. Энди, мана бу қуп-қуруқ саҳрова бизга ким бирон егулик беради?!

Мусо яна Роббига дуо-илтижолар қилди. Ахир ундан бошқа кимга ҳам илтижо қилсин?!

Аллоҳ таоло уларга егуликлар туширди.

Холва каби лазиз шириналар ва бедана гўшти дараҳт баргларига қуйилиб туширилди.

Мана шу Аллоҳ томонидан берилган «ширинлик ва беданалар» эди.

Мана шу – яйдоқ саҳрова Бану Исроилнинг Аллоҳ томонидан меҳмон қилиниши эди.

10. Куфрони неъмат



Лекин узоқ давом этган қуллик Бану Исройлга ўз таъсирини ўтказган, уларнинг хулқ-атворини анча ўзгартган эди.

Бану Исройл бола табиатли бўлиб қолганди. Улар ҳеч бир нарсада узоқ вақт тура олмасдилар. Бесабр, беқарор кишиларга айланишган эди.

Шукри кам, нолиши кўп, ноз-зерикиши хўб бу қавм таъқиқланган нарсани хуш кўриб, берилган неъматларни ёқтирамасди.

Ҳали ҳеч қанча ўтмасдан туриб улар яна нолишга ўтдилар:

Эй Мусо, бир хил таом жонимизга тегди. Гўшту ҳолвалардан зерикдик.

Ерда ўсадиган кўк-сабзавотлардан егимиз келяпти.

- «Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Роббинга дуо қил, бизга ерда униб-ўсадиган сабзавотлардан, бодринг, саримсок, мош, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб берсин».

Мусо уларнинг бу ғалати сўровларидан таажжубга тушиб ҳам инкор, ҳам танбех,
ҳам ҳайрат оҳангига деди;

- «Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришни истайсизларми?»

- Қуш гўштлари, ҳолвалар каби инсон қўли тегмаган ноз-неъматларни ташлаб
кўк-сабзавотларни орзу қиласизларми?



- Шоҳлар таомини деҳқонлар егулигига алмашасизларми?
- Эҳ сизларнинг орзу-ҳавасларингиз?!

Лекин Бану Истроил ўз талабида қаттиқ туриб олиб қайта-қайта сўрайвергач, Мусо алайҳис-салом уларга деди:

- Хоҳлаган шахрингиздан айтаётган нарсаларингизни топасиз.
«Қайси шаҳарга тушсангизлар сўраган нарсаларингиз турибди-ку?»

11. Қайсар Бану Истроил

Истроил фарзандлари ўжар табиатли болага ўхшардилар.

Улар буюрилган ишнинг тескарисини қилишни яхши кўришарди.

Бу қавм ўзларига айтилган нарсани албатта алмаштириш керак, деб турарди.

Худди ўжар болалар каби: Агар сиз уларга «Тур!», десангиз ўтириб олишади.

«Ўтири!», деган буйруқни эшитишлари билан сакраб туришади. «Жим бўл!», дейилганда гапириб, «Гапир!», дейилса жим туришади.

Бану Истроилнинг ўжарлигига нодонлик, жинниларча ҳатти-ҳаракат ва мараз ишоралар ҳам бор эди.



Улар бир қишлоққа тушиб унинг сабзавотларидан емоқчи бўлдилар.
Лекин Аллоҳ
таоло изн бергач:

**«Ушбу қишлоққа (Қуддусга) кирингларда, ундан хоҳлаган
жойларингизда еб-ичинглар. Дарвозадан сажда қилган
ҳолингизда киринглар ва «афв
эт» денглар, биз хатоларингизни мағфират қиласиз ва
яхшилиқ эгаларига зиёда
неъматлар ато қиласиз».**

Бану Исроил ушбу илоҳий амрдан ўзларича дарғазаб бўлдилар. Улар
шаҳарга
хоҳламасдан истеҳзо қилиб орқалари билан ер супириб-судралиб
кирдилар.

«Шунда золим кимсалар уларга айтилган сўздан бошқа сўзни
алмаштириб айтдилар».

Аллоҳ таоло улар устига вабо балосини юборди.

Қавм итдек ўлиб кетди.

Агар уларга бир нарса буюрилса, титкилаб қайта-қайта савол
беришаверарди.

Киши бир ишни қилгиси келмаса, турли баҳоналар билан вақтни чўзиб
юраверади.
Ҳадеб саволлар беради.

Бану Исроил орасида қотиллик содир бўлди. Одамлар ҳар қанча

уринмасинлар
ҳақиқий қотилни топиша олмади. Сўнг Мусо алайҳис-салом ҳузурига
келдилар:

- Эй Аллоҳнинг Пайғамбари! Мана шу масалада бизга ёрдам бергин.
Роббингга дуо
қил. Қотилнинг кимлигини билдирусин.

12. Сигир воқеаси.

Мусо алайҳис-салом Аллоҳга дуо қилди.

Пок Роб Бани Исрол қавмига бир сигир сўйишни ваҳий орқали
буюрди.

Худди мана шу ерда масала чигаллашди. Бану Исройл яна
масхараомуз саволларини
бошлаганди.

«Эсланг! Мусо ўз қавмига:

- «Аллоҳ бир сигир сўйишларингни буюрди, деганда улар:
- «Устимиздан куляпсанми?» -дедилар.

Мусо деди:

- «Ундей жоҳиллардан бўлиб қолишдан Аллоҳ паноҳ беришини
сўрайман».

Улар дедилар:

- «Роббингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин».

(*Muso деди:*)

- «У зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш ғунажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди фармонни адо этинглар».

Улар шу ерда ҳам тўхташмади. Энди сигирнинг рангини суриштира бошлиди.

Улар дедилар:

- «Роббингга дуо қил. Унинг рангини баён қилсин».

(*Muso) айтди:*

- «У зотнинг айтишича, у очик-малларанг сигир бўлиб, кўрганларнинг кўнгли чоғ бўлади».

Хеч қандай савол топа олмаганларидан кейин умумий қилиб яна бир марта сўрашди:

Улар айтдилар:

- «Роббинга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин, бу мол бизга иштибоҳли бўлиб қолди. Иншаоллоҳ, энди йўлимизни топиб оламиз».

(*Muso) айтди:*



- «**У зотнинг айтишича, у шундай бир сигирки, хор бўлиб ер ҳайдамайди, у билан (сув ташиб) экин сугормайдилар, айбу нуқсониз, унда ўз рангидан бошқа ранг-бўёқ йўқ».**

Улар:

- «Энди ҳақиқатни айтдинг», дедилар».

Лекин Бану Истроил ўзига-ўзи оғир қилиб қўйганди. Агар улар ҳадеб савол беравермасдан тўғри келган бир сигирни сўйганларида ҳам кифоя қилган бўларди.

Ўзлари қаттиқ олганидан кейин, Аллоҳ ҳам уларга қаттиқ қилиб қўйди.

Бану Истроил айтилган сигирни узоқ қидирди. Чунки юқоридаги сифатларга эга бўлган сигир жуда ҳам кам учрагди.

Бир сигир очиқmallаранг бўлса-да, ўрта ёшли бўлмасди.

Яна бирида кўп сифатлар топиларди-ю, лекин у ер ҳайдарди ёки сув таширди...

Қидиравердилар, қидиравердилар...

Ниҳоят ўзларининг хато қилганликларини тушундилар.



Аллоҳ таоло бир етимнинг баҳтини очди. Ваҳийда таърифланган сигир фақат мана шу етимда бор эди.

Бану Исроил сигирни жуда катта пулга сотиб олдилар.

Аллоҳ таоло ўлдирилган кишини сигирнинг бир бўлак гўшти билан уришни буюрди.

Шунда ўлик тирилиб қотилининг номини айтади.

Худди шундай бўлди....

13. Шариат

Бану Исроил энди одамлардек яшай бошлади. Улар чўлда ҳур, эркин эдилар.

Энди бу қавмга илоҳий бир шариат лозим эди. Токи улар мана шу шариат билан ҳукм қилсинлар, ҳаёт йўлларини ёритсинлар.

Инсон фақат илоҳий шариат нури остидагина инсондек яшаши мумкин.

Оlam тим қора зулмат. Бу ерда Роб томонидан берилган машъала зарур.

У Пайғамбарлар қўлидаги машъаладир.

Кимда-ким мана шу нур ортидан эргашмас экан, ҳаётда мудом кўр туядек адашиб



юради.

Илохий нурдан ташқарида туриб тўқилган ақидалар болаларга эрмак бўладиган
эртаклардан бошқа нарса эмас.

Сиз мушрику кофирлар – турли адашган кимсалар ақидаларини,
хурофотларини
эшитмаганмисиз?

Уларнинг илми жаҳолат, тахмин ва шубҳа-гумон асосига қурилган.

«Улар факат гумон-тахминга эргашурлар холос. Аниқ-ки, гумон ҳақиқатдан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас!»

Жоҳилий ахлоқ бу исроф, қосирлик, ҳаддан ошиш ва сусткашлиқдир.

Пайғамбарлар йўлига эргашмаган кимсалар ўзгалар ҳақ-хуқуқини
бемалол ҳазм
қилиб юборадилар. Улар ҳавои нафсларига эргашиб ўз чегараларидан
ташқарига чиқиб
кетишади.

Хукм юргизиш, сиёsat эса зулм, истибодод ва кишилар моли-ю ҳақ-
хуқларини
топташдан иборат бўлади.

Аллоҳдан қўрқмайдиган подшоҳлар ўз фуқаролари қонини беҳуда
тўкишлари,
ҳақ-хуқуқларини поймол этишлари, омонатларга ҳиёнат қилишларини
наҳот



билмасангиз?!

Қанча-қанча кишилар қуллик занжирига солинди. Инсонлар гурух-
гурухга ажратиб
юборилди. Аёллар тирик қолдирилиб эрлар қилич тиғидан ўтказилди

Сиз биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида неча миллион инсоннинг
ёстиғи
куритилганини биласизми?!

Дунё тим қора зулмат.

**«(Улар) устма-уст зулматлардир. У ўз қўлини чиқариб
(қараса) кўришга яқин бўлмас. Кимга Аллоҳ нури (иймон)
бермаса, бас, унинг (учун) ҳеч қандай нур бўлмас».**

Пайғамбарлар инсонларга қандай ибодат қилиш кераклигини ўргатиш
билин бир
қаторда уларга ўзаро муомала-муносабат ҳақида ҳам таълим берган.

Аллоҳ таоло элчиси дин одобидан ҳам, ҳаёт одобидан ҳам таълим
берувчи
муаллимдир. У инсонларга барча одобларни – ейиш, ичиш, ўтириш,
ухлаш...
одобларини ўргатади.

Гўё меҳрибон ота бўлиб ўзининг азиз жигарбандларига панд-насиҳат
қиласди.

Инсонлар Пайғамбарлар қаршисида гўдак мақомида турадилар. Улар
гўдакликда



оталари тарбиясига қанчалик муҳтож бўлган бўлсалар, балоғатга
етган чоғларида
Пайғамбар тарбиясига шунчалик муҳтождирлар.

Нубувват таълим-тарбиясидан бебаҳра қолган мана шу кимсалар
ёввойи ҳолда
ўсган дараҳтга ўхшайдилар. Зеро парваришиз катта бўлган ўсимлик
қинғир-қийшиқ
бўлиб ўсиши мумкин.

14. Таврот

Аллоҳ таоло Бану Исроилни китобсиз-ҳидоятсиз қавмлар каби адашиб-
улоқиб
кетишни истамади.

Уларни кўр туядек тентираб юришдан асрамоқни ирова қилди.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳис-саломга покланиш учун 30 кун рўза
тутишни, сўнгра
Тур тоғига келишни буюрди. Аллоҳ таоло Тур тоғида Мусо алайҳис-
саломга хитоб
қилиши ва айнан шу ерда унга китоб нозил этиши керак эди.

Мусо алайҳис-салом қавмидан 70 кишини гувоҳ бўлсин деб ўзи билан
бирга олиб
кетди. Чунки ўжар, ҳадеб ҳар нарсани кавлаштираверадиган Бану
Исройл учун тирик
гувоҳлар зарур эди.

«Мусо акаси Ҳорунга деди: «Қавмим устида менинг

**ўринбосарим бўлгин ва
(агар ёмон амал қилсалар) тузаттин».**

«Бузғунчи кимсалар йўлига эргашмагин».

Албатта, жамоани йўлбошчисиз ташлаб кетиб бўлмайди.

Мусо алайҳис-салом Тур тоғига ҳаммадан илгари етиб келди.

«Тур тоғи томон кетаётган Мусо йўлда улардан илгарилааб кетади.
Шунда Аллоҳ деди;

- «Қавмингдан мунчалар кўп илгарилааб кетдинг, эй Мусо!»

У айтди:

- «Улар ана изимдан келишаётир. Мен эса сен рози бўлишинг учун шошдим, Роббим!».

Аллоҳ таоло Мусо алайҳис-саломга аҳдлашилган қирқ кунни тўлиқ қилишни буюрди.

Мусо Тур тоғида Робби билан гаплашди.

Аллоҳ таоло уни Ўзига яқин кишилардан қилди. Бундан тўлқинланиб кетган Мусо

Аллоҳдан жамолини кўрсатишни сўради.

Лекин Мусо бунга дош беролмасди. Зеро, **«Кўзлар уни идрок қилолмас, У эса кўзларни идрок этар! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) огоҳ зотдир».**



Хатто буюк тоғлар Аллоҳ жамолини қўя туринг, Унинг каломини кўтаришга дош берада олмайди:

«Агар биз ушбу Қуръонни бирон тоғга нозил қилганимизда албатта сиз у (тоз)ни Аллоҳнинг қўрқувидан эгилиб, ёрилиб кетган ҳолда кўрган бўлур эдингиз».

- «Сен Мени (бу дунёда) ҳаргиз кўролмайсан. Аммо мана бу тоққа боқ (Мен унга кўринурман). Бас, агар у (Мен кўринганимда) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам мени кўражаксан.

Қачонки, Робби у тоққа кўринган эди, уни майда-майда қилиб ташлади ва (бу ҳолни кўрган) Мусо ҳушсиз ҳолда йиқилди. Ўзига келганидан кейин эса деди:

- «Пок Робб (ноўрин савол сўрашдан) Ўзингга тавба қилдим. Энди мен (сенинг нақадар буюк зот эканлигинга) иймон келтирувчиларнинг аввали - пешқадамиман».

Аллоҳ айтди:

- «Эй Мусо, ҳақиқатан мен сени одамлар устида Пайғамбарим бўлишингга ва (бевосита) каломимни эшитишингга танлаб олдим. Бас, сенга ато



этган нарсамни (яъни буйруқ ва қайтариқларимни) олгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!».

Мусо алайҳис-салом Бану Исроилга зарур бўлган батафсил баён ва маърузалар битилган лавҳларни олди. Аллоҳ таоло уларни етказишга амр қилган эди.

Мусо танлаб олган 70 киши ёнига қайтиб Аллоҳ инъоми ҳакида сўз бошлаганида улар сурбетлик билан шундай дедилар;

- «Эй Мусо, Аллоҳни очиқ равshan кўрмагунимизча ҳаргиз сенга ишонмаймиз!»

Шунда уларни қараб турган ҳолларида чақмоқ урди.

Аллоҳ таоло яратган чақмоқни кўтара олмаган кишилар у зотнинг нурига бардош бера олармидилар?!

Мусо алайҳис-салом Роббига илтижо қилиб деди:

- «**Роббим, агар хоҳласанг уларни ҳам, мени ҳам илгари ҳалок қилсанг бўлур эди. Орамиздаги ақлсиз кимсаларнинг қилмишлари сабабли (энди) бизларни ҳалок қиласанми?**!

Аллоҳ таоло Пайғамбарининг илтижоларини қабул қилди. Уларга қайтадан ҳаёт



бахш этди. Шояд энди шукр қилсалар?!

15. Бузоққа сифиниш

Бану Исроил Мисрда анча вақт мушриклар билан қўшни яшаган эди.
Қибитийларнинг
жуда кўп нарсага сифинишларини улар ўз кўзлари билан кўрардилар.

Шу боис Исроил фарзандлари аста-секин ширкдан нафратланмай
қўйдилар. Худди
эски уй деворларидан сув сизиб кирганидек улар қалбига ҳам ширк
муҳаббати ин
қура бошлади.

Озгина фурсат топилиши биланоқ мисли пастликка югураётган сувдек
ширкка қараб
чопишарди.

Қалблар бузилган, хоҳиш-истаклар нотўғри йўналишга бурилган эди.
Ҳақ йўлни
кўра-била туриб ташлаб кетардилар. Залолатга мудом қучоқ
очардилар.

Бану Исроил Фиръавн таъқибидан қочиб Қизил денгиздан ўтиб кетди.

**«Сўнг улар бутларга сифиниб турган бир қавм олдиdan ўтдилар
ва: «Эй Мусо,
бизларга ҳам уларнинг илохлари каби худо қилиб (ясад) бер»,
дедилар».**

Уларнинг бу ноўрин тилакларидан Мусонинг жаҳли чиқди.



- «Албатта сизлар билмайдиган қавмдирсизлар!»

Во ажаб! Бу не зулм?! Бу не кўрнамаклик?! Ахир Аллоҳ уларга ҳали
ҳеч кимга
берилмаган неъматларни бермади-ми?

Ахир Аллоҳ таоло уларни бутун оламлардан афзал қилиб қўймадими?!

Мусо деди:

**- «Мен, сизларни бутун оламлардан афзал қилиб қўйган
Аллоҳдан ўзгани
(яъни жонсиз бутни) сизларга худо қилиб бераманми?»**

Мусо Робби билан сўзлашмоқ учун Тур тоғига қараб кетди. Бану
Исройл Мусо
кетганидан сўнг шайтоннинг ўлжасига айланди.

Уларнинг орасида Сомирий деган бир бадбаҳт кимса ҳам яшарди.

**«Сўнг (Сомирий ўша зеб-зийнатларни оловда эритиб, худди тирик
бузоқ каби) овози бор ҳайкал-бузоқ (ясад) чиқариб берди.
Сўнг (Сомирий ва унинг шериклари): «Сизларнинг ҳам, Мусонинг
ҳам
илоҳи шу эди, (Мусо) унутиб, (уни бошқа ердан излагани
кетибди», деди».**

Бану Исройл қавми мана шу бузоқ билан фитналанди.

Улар кўрларча бузоққа юкина (сифина) бошладилар.



«Ахир унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини ва бирон зиён ҳам, фойда ҳам етказишга қодир эмаслигини кўрмайдиларми?!

Ҳолбуки (бузоққа сигинишиларидан) илгари Ҳорун уларга:

- «**Эй қавмим, сизлар бу билан фақат имтиҳон қилиндинглар холос, (бас, у бузоққа сигинманглар!) Шак-шубҳа йўқки, сизларнинг. Роббингиз ёлғиз Раҳмон Марҳаматли Аллоҳдир. Бас, менга эргашинглар ва амримга итоат қилинглар!»- деганди»**

Лекин Сомирийнинг сехри билан алданган Бану Истроил бу залолатидан қайтмади.

«Улар: «То бизларга Мусо қайтмагунича, унга (шу бутга) ибодат қилиб-сигинишдан ҳаргиз ажralмаймиз», деган эдилар».